

Кўзи ожизнинг рўзаси

09:05 / 25.05.2018 3755

Савол:

Кўзи ожиз бир одам (умуман кўрмайди эмас, деярли кўрмайди) олдимга келиб: "Мен рўза тутсам, дейман. Аммо уйимдагиларим рози бўлишмаяпти. Рўза тутсангиз бир оз кўра оладиган кўзларингиз ҳам умуман кўрмай қолади, дейишади. Мен нима қилсам бўлади", деб сўради. Устоз, унга нима деб жавоб берай?

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

- Эҳтимол, рўза фойда қилиб, кўзи очилиб кетар. Рўза тутган одамнинг кўзи кўр бўлгани тарихда бўлган эмас.